Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 23-noyabr, shanba № 141-142 (3335)

Қуёш энергияси — келажак энергияси

Президент Ислом Каримовнинг Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқи

Ҳурматли Форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, йирик агентлик ва компаниялар, тадқиқот марказлари вакиллари, мутахассис ва экспертларни — Форумнинг мазкур йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчиларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва қутлаш, ҳаммангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни билдириш биз учун катта шарафдир.

Мен Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао жанобларига Форум йиғилишида шахсан иштирок этаётгани, «Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси»ни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси, Осиё тараққиёт банки ва унинг тузилмалари томонидан қуёш энергетикасидан фойдаланиш ва уни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш соҳасида кўрсатилаётган беқиёс ёрдам учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Форум мажлисида иштирок этаётган Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро марказлар ва тузилмалар вакилларига, мазкур анжуманга катта қизиқиш билдирган барча меҳмонларимизга самимий ташаккур изҳор этаман.

«Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги мазкур йиғилиш учун таклиф этилган кун тартибини, биринчи навбатда, «Қуёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истиқболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб давлатлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Маълумки, цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хомашёси бўлган углеводород захираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефт ва газ захираларига эга бўлиш чексиз даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган энг муҳим омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтда углеводород хомашёсини қазиб олиш борасида юз берган, «сланец инқилоби» деб аталаётган янги босқич эртага баъзи қитъалар, мамлакат ва ҳудудларнинг энергетика бозоридаги ҳамда жаҳон майдонидаги кучларнинг геосиёсий жойлашувидаги ўрни ва ролини ўзгартирадиган жиддий омилга айланиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Бироқ бундай ўзгаришлар қайта тикланадиган энергия манбаларига, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган, йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжни ҳеч қачон сусайтира олмайди.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги фактга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истиқболли таркибий қисми бўлган қуёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли кўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда.

Ана шу 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард долларни, жумладан, фақат 2012 йилнинг ўзида 143 миллиард долларни ташкил этди.

Қуёш станциялари томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган жами электр энергияси 113 миллиард киловатт-соатни, жумладан, фотоэлектр станциялар бўйича 110 миллиард киловатт-соатни ташкил этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлиқ энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг жадал ўсиб боришига олиб келаётган сабаблар кўп.

Биринчи навбатда, бу жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ. Яна бир сабаби шундаки, анъанавий углеводород хомашёси бўлмиш нефт ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб бораётгани ва шу билан бирга, уларнинг захиралари камайиб кетаётгани халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Аммо шу борада ҳеч қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаётгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажакда глобал миқёсда барқарор ривожланишга хавф солаётгани билан боғлиқ.

Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларидан бири, бу, **аввало,** қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истиқболли манбаи сифатида қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтиришни янада кўпайтиришдан иборат.

Иккинчидан, муаммони ҳал этишда илмий ва тажрибаконструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш ва шунингдек, қуёш электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Учинчидан, бу борадаги яна бир имконият углеводород хомашёсидан фойдаланишга асосланган анъанавий энергетика тизимига нисбатан қуёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш билан боғлиқ.

(Давоми 2-саҳифада).

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 22 ноябр куни Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши бошланди

Мазкур тадбирнинг ўтказилиши Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда ўтган йиллик мажлисида илгари сурилган Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича Осиё тараққиёт банки ташаббуси доирасида эълон қилинган эди. Осиё қуёш энергияси форумининг мазкур йиғилишида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида нутқ сўзлади.

(Давоми 3-саҳифада)

Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаонинг нутқи

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Осиё тараққиёт банки, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши иштирокчилари номидан Ўзбекистон раҳбариятига ушбу тадбирнинг юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Шуни таъкидлаш керакки, бундай нуфузли анжуман Марказий Осиёда илк бор ўтказилмоқда.

Ўзининг буюк мутафаккирлари, қадимий тарихи ва бой маданияти билан дунёга машҳур Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан ғоят мамнунман. 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси ҳам Тошкентда ўтказилган эди. Айнан шу мажлисда Ўзбекистон ва ОТБнинг қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича яқин ҳамкорлигига асос солинганди. Бугунги мажлис эса ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт давомида қўлга киритган улкан ютуқ ва марралари мени ғоят ҳайратга солди. Бу, шубҳасиз, мамлакат раҳбариятининг хизматлари самарасидир. Президент Ислом Каримов ва мамлакатингиз ҳукуматини Ўзбекистон халқининг ҳаёт даражасини юксалтириш йўлидаги машаққатли меҳнати ўзининг улкан самараларини бераётгани билан табриклайман.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари дунёдаги кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан юқори бўлмоқда. Мамлакатингизнинг кучли солиқ-бюджет сиёсати ва ташқи қарзининг камлиги мустаҳкам макроиқтисодий асос яратилганидан далолат беради. Бу Ўзбекистонга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш имконини бермоқда. Бу инвестициялар, айни пайтда, саноат секторини модернизация қилиш ва кенгайтириш, асосий ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилда жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини ташкил қилди. Бу эса тараққиётнинг «ўзбек модели» муваффақияти, макроиқтисодий ва фискал бошқарув пухта ўйлангани ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш салмоқли натижалар бераётганининг ёрқин тасдиғидир.

Осиё тараққиёт банки олий таълим, банк сектори, капитал бозори, ахборот-коммуникация технологиялари, хусусий сектор ролини кенгайтириш ва хусусий сармояларни рағбатлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш каби алоҳида эътибор талаб қиладиган йўналишларда ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг янада диверсификация қилинган иқтисодиётга ўтиш ва ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, жадал ривожланишни давом эттириш, пировард натижада, мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

ОТБ Ўзбекистоннинг фаол ҳамкори сифатида мамлакатнинг кенг кўламли масалалар бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитлар умумий ҳажми банкимиз мамлакатингизда фаолият кўрсатишни бошлаган 1996 йилдан буён 3,9 миллиард долларга етди. Сўнгги йилларда ОТБ ўз суверен операцияларига қўшимча равишда хусусий секторга оид янада самарали операциялар дастурини ишлаб чиқди.

(Давоми 2-саҳифада).

Обуна — 2014

Муштарий фикри — энг холис мезон

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар», деб ёзиб қўйилган. Айнан шунга кўра, жамоат ташкилоти мулк шакли турлича бўлган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишлаётган минг-минглаб кишиларни ўз товарагига бирлаштиради.

Хусусан, ижтимоий шерикликни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув ҳамда шу асосда қабул қилинган ҳудудий, минтақавий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларининг ижросини назорат қилиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига тегишли моддаларнинг бажарилишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил касаба уюшмаларида ўзига хос сана сифатида ёдда қоладиган бўлди. Бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятни такомиллаштириш, нуфузини ошириш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди. «Бошланғич ташкилот — касаба уюшмаси ҳаракатининг асоси» шиори остида ўтган бошланғич ташкилотлар етакчиларининг Республика форуми, Федерация Кенгашининг Ўқув марказида ўтказилган турли йўналишдаги ўқувлар ва ташкил этилган кўплаб амалий семинарлар қуйи бўғинлар ишини давр талабларига мувофиқлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, нодавлат секторидаги ходимларни жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш, янги иш ўринлари яратиш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар, олий ўқув юртида ўқиётган фарзандларининг тўлов-шартнома пулларини қоплаб бериш каби савобли ишлар бугунги кунда касаба уюшмаларининг фаолият мезонига айланди.

«Касаба уюшмалари — болаларга!» акцияси доирасида, хусусан, Самарқанд вилоятида 18 минг нафардан зиёд «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган оилалар ва жисмоний жиҳатдан чекланган болаларнинг томошагоҳларга, маданият ва истироҳат масканларига бепул саёҳатлари уюштирилди. 6 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларга ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари, болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар ҳадя этилди.

Бир сўз билан айтганда, савобли ишлар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мазмунига айланиб бормоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Саховат уйларига 1 миллиард 170 миллион сўм моддий ёрдам берилгани ҳам диққатга сазовордир.

(Давоми 5-саҳифада).

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Тошкентда ўтаётган «Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлисида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари энергия тизимига кенг жорий этилмоқда

Абанг Абдуллоҳ Абанг АЛИ, Малайзия муҳандислик ва технология жамияти президенти:

— Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этгани ва нутқ сўзлагани йиғилиш нуфузини янада оширди. Нутқда энергетика соҳасини, хусусан, қуёш энергетикаси тармоғини ривожлантириш бўйича жаҳонда кечаётган жараёнлар ва мамлакатингизда амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилиб берилди. Ўзбекистонда қуёш энергетикаси тармоғини равнақ топтиришга қаратилаётган улкан эътибор таҳсинга сазовор.

Йорге СЕРВЕРТ, «Solar Technology Advisors» компанияси бош ижрочи директори (Испания):

— Ўзбекистоннинг қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти жуда катта. Мамлакатингиз ушбу соҳани ривожлантириш бўйича малакали мутахассисларга эга. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, энергия ишлаб чиқаришдаги энг янги технологияларни жорий этиш ва соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётир. Мавжуд имконият ва салоҳият тўлиқ ишга солинса, Ўзбекистон минтақада қуёш энергиясини ривожлантиришнинг энг йирик марказига айланиши шубҳасиз.

Агамподи ВИКРАМАРАТНИ, «Ceylon Electricity Board» компанияси бош муҳандиси (Шри Ланка):

— Жаҳон иқтисодиёти тармоқларида энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Мазкур форум инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишда табиий ресурсларни тежаш, қайта тикланувчи, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланиш каби муҳим масалаларни муҳокама этиш, фикр ва тажриба алмашиш, соҳада янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch" – Сизнинг газетангиз

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

Ishonch
2013-yil 23-noyabr № 141-142 (3335)

Президент Ислом Каримовнинг Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11-12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси таннархини 8-9 центга қадар туширишни вазифаси қўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади.

Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси, унга нисбатан анъанавий имтиёз ва преференциялар қўлланмаётган бўлса-да, углеводород хомашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр энергияси билан рақобатлаша олади.

Яна бир масала. Вақти-вақти билан такрорланаётган глобал иқтисодий инқирозлар сабабларини таҳлил қилиш асносида хулоса чиқарган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларида муайян мантиқ мавжуд. Яъни, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суръатларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Шу муносабат билан қуйидаги хулосага келиш қийин эмас. 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан бизнинг биринчи навбатда энергетика соҳасида технологик тараққиётнинг янги босқичига қанчалик тез ўтишимизга боғлиқ.

Бу ўринда сўз бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини қайта тиклашга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири — анъанавий энергия ресурслари, авваламбор, нефт нархининг асоссиз равишда юқори бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан самарали фотоэлектр энергияси манбаларини оммавий равишда жорий этиш истиқболда нефт нархини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса ўзининг чекланган валюта захираларини углеводород хомашёсини четдан сотиб олиш учун сарфлашга мажбур бўлаётган ривожланаётган мамлакатларни жадал тараққий эттириш борасида рағбатлантирувчи восита бўлади. **Шундай экан, қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур.**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг кўлами ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омилларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефт-газ ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганини таъкидлаш кифоя, деб ўйлайман.

2000-2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошади ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергетикаси борасидаги салоҳияти ва мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, қуйидаги фикрларни таъкидлашни истардим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра бунинг учун ғоят қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очиқ бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефт эквивалентидан ортиқдир.

Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-экспериментал маркази ташкил этилганидан кейин жадал ривожлана бошлади.

Бугунги йиғилиш иштирокчилари Форум дастури доирасида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт қувватга эга бўлган гелиоконцентраторли улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга.

Ўзбекистон бугунги кунда илмий-техник, эксперимент ўтказадиган кадрлар бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича катта ҳажмдаги конструкторлик ва технологик ишланмалар тўпланган.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда жорий йилда Тошкентда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли технологиялар сифатида жорий этилиши мумкин.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер майдони ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хомашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Ўтган йили мамлакатимизда Жанубий Кореянинг «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда «Ангрен» махсус индустриал зонасида Кореянинг «Шиндонг Энерком» компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хомашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида 2014 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, «Жиззах» махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистонда маиший ва уй-жой-коммунал соҳада, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган энергия юкини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалорияиссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсини тежашни таъминлайди.

Мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида ҳар йили намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,5 миллион квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингдан ортиқ якка тартибдаги замонавий уй-жойлар барпо этилаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мазкур дастур доирасида биз техник жиҳатдан илғор, қуёш энергетикаси технологиялари қўлланган, юқори энергия самарадорлигига эга бўлган уй-жойларни дунёдаги, жумладан, Европа ва Осиёдаги бу соҳада энг тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оммавий равишда қуришни кўзда тутмоқдамиз.

Биз яқин йиллар мобайнида асосан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз. Қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, **бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.**

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мана шу муҳташам залда йиғилган сиз азизларга, сизларнинг тимсолингизда замонавий тараққиётнинг юксак ва олижаноб мақсадлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Мамлакатимизда қисқа муддат меҳмон бўлишингизга қарамасдан, ўзбекона меҳмондўстликни, халқимизнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳис этасиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши ишига муваффақият тилайман.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, ҳудудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобил йўллари ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ҳисобидан хусусий сектор улушини ошириш, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича комплекс дастур, замонавий ҳамда самарали энергетика секторини институционал ривожлантириш ва такомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигининг самаралари Ўзбекистондан ташқарида ҳам яхши маълум. Ўзбекистон ва ОТБнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми ошди. Бунинг натижасида Мозори Шариф ва Қобул аҳолиси электр энергияси билан барқарор таъминланди. Шунингдек, трансчегаравий транспорт алоқаси кучайтирилди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Ҳайратон орқали Мозори Шарифгача темир йўл линиясини қурди.

Қуёш энергетикасини ривожлантириш ҳам ОТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир.

Табиий газ, нефт ва кўмир каби анъанавий та-

Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаонинг нутқи

биий ресурслар захиралари чекланган. Ушбу ресурслардан электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага заҳарли чиқиндилар, жумладан, буғ газлари чиқарилмоқда. Бу эса экологик тоза ва чексиз салоҳиятга эга қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Шу сабабли биз энергияга нисбатан тобора камайиб бораётган эҳтиёжни экологик тоза ресурслар, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлашимиз лозим. Шу муносабат билан мен Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов раҳнамолигидаги раҳбариятига энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мунтазам қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Зеро, углеводород хомашёсига бой Ўзбекистонда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш биринчилардан бўлиб бошлангани таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати 2010 йилда ОТБнинг кредит шаклида ажратилган 350 миллион доллар ҳажмидаги кўмаги билан юқори технологияли буғгаз турбиналарини жорий қилишга асосланган ҳолда энергия ишлаб чиқарадиган Таллимаржон иссиқлик электр станциясида лойиҳани амалга оширишга киришди. 2011 йилда ОТБ Ўзбекистонга ўз энергетика ресурсларидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш учун 150 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди. Яқин вақт ичида Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуига қайта тикланадиган энергия манбалари ҳам қўшилади.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил Тошкентда ўтказилган 43-йиллик мажлисида Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси бошлангани эълон қилинган эди. Бундай баёнотни қабул қилиш учун Тошкентнинг танлангани бежиз эмас. Серқуёш Ўзбекистон кенг ҳудуда ва юқори малакали мутахассисларга эга мамлакат бўлгани боис минтақада қуёш энергетикасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон учун қуёш энергетикасини кенг кўламда ривожлантириш соф энергия билан таъминлаш, шунингдек, юқори малакали иш ўринларини ташкил қилиш, тадқиқотлар ўтказиш, қуёш энергетикасининг илғор тизимларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича технологик марказга айланиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида айнан шундай комплекс ёндашувни кўзда тутади. Биринчи йўналиш — бу техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг кўламли қуёш энергетикаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. ОТБ ушбу мақсадларга эришишда техник жиҳатдан кўмаклашди ва Ўзбекистонда катта ҳажмдаги қуёш энергияси салоҳиятидан фойдаланиш имкониятига эга олтитадан зиёд участка аниқланганги қувонарли ҳолдир.

Мажлис қатнашчилари Паркент туманидаги Халқаро қуёш энергияси институтини бориб кўриш имкониятига эга бўлди. ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича ўзининг иккинчи йўналиши доирасида ушбу институтни ташкил этишда техник ёрдам кўрсатди. Бу йўналиш тегишли илмий тадқиқотларни рағбатлантирадиган ва инсон ресурсларини ривожлантирадиган институтни ташкил қилишдан иборатдир. Мазкур институт кенгайиб, қуёш технологияси соҳасида тажриба алмашиш бўйича йирик марказга айланишига ишонамиз.

Инновацион молиялаштириш ва хусусий сектор иштироки Ўзбекистонда қуёш энергетикасини тез ва барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жараёнда хусусий секторнинг иштироки узоқ муддатли истиқболда қўшимча маблағ жалб қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича инновацион усулларни жорий этишга хизмат қилади.

Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Марказий Осиёда илк бор турли халқаро молия институтлари вакиллари, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар делегациялари иштирок этмоқда. ОТБ 2010 йилдан буён Осиё қуёш энергияси форумини Манила, Токио, Бангкок ва Жодхпурда ўтказган. Бу учрашувлар Осиёда қуёш энергияси салоҳиятига тааллуқли зарур маълумотлар, мавжуд технологиялар, лойиҳалар қиймати ва қуёш энергетикасини ривожлантиришга қаратилган сиёсат йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди.

Форумнинг бугунги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга эканининг яна бир сабаби бор. Биз Ислом тараққиёт банки ва Африка тараққиёт банкини Қуёш энергияси форумида илк бор иштирок этаётгани билан табриклаймиз. Африка ҳам яқин йиллар ичида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида йирик иштирокчига айланади, деб умид қиламиз. Осиё ва Африканинг айрим минтақаларида қуёш энергетикасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Бу Осиёга ҳам, Африкага ҳам мазкур соҳада ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Президент Ислом Каримовга Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Анжуман иштирокчилари Самарқандда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари энергия тизимига кенг жорий этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президент Ислом Каримов нутқини анжуманнинг барча иштирокчилари сингари мен ҳам катта қизиқиш билан тингладим ва кўплаб қимматли маълумотларга эга бўлдим. Ўзбекистонда энергетика соҳасини ривожлантириш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самаралари ва аҳамияти теран таҳлил қилинди.

Майкл ЧИТАМ, Америка фан тараққиётига кўмаклашиш ассоциациясининг Халқаро фан ва технологиявий ҳамкорлик ташкилоти директори (АҚШ):

— Жаҳон иқтисодиёти тармоқларида энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж тобора ошмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида энергетика соҳасини тубдан такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этишга йўналтирилган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таҳсинга лойиқ.

Юсеф Бен Тайиб АРФАУИ, Африка тараққиёт банкининг қайта тикланадиган энергетика масалалари бўйича бош мутахассиси:

— Форумнинг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Анжуманда таъкидланганидек, углеводород хомашёси камайиб бораётган бугунги шароитда жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари иқтисодиётни барқарор юксалтириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим манбаи бўлган қайта тикланадиган, соф энергия манбаларидан фойдаланишга доир ишланмалар устида изланмоқда. Деярли йил давомида қуёш порлаб турадиган Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари катта имконият ва кенг ривожланиш истиқболига эгадир. Ўзбекистон олимларининг қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш бўйича инновацион технологияларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётганига ҳавас қилса арзийди.

Чжан СЮН, «Baoding Tianwei Baibian Electric» компанияси вице-президенти (Хитой):

— Компаниямиз трансформаторлар, реакторлар, қуёш моторлари, металл конструкциялар каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қуёш электр станциялари барпо этиш бўйича катта тажрибага эгамиз. Қуёш моторларимизнинг 80 фоизини Европа мамлакатларига етказиб берамиз. Соҳага оид лойиҳаларни амалга оширишда имтиёзли кредитлар ҳам таклиф этамиз.

Бугун бутун дунёда энергияга эҳтиёж шиддат билан ортиб бораётгани муқобил энергия манбаларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун мосланган қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари самарали амалга оширилаётганини, муқобил энергия манбалари мамлакат энергия тизимига кенг жорий этилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш станциясини қуриш кўзда тутилаётгани бунинг яққол далилидир.

Томас МЕТТИН, «Pretherm Solutions» компанияси бош ижрочи директори (Германия):

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишиб, мамлакатингизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар бераётган самараларга жуда ҳавасимиз келди. Мазкур бирлашма негизида барпо этилаётган Халқаро қуёш энергияси институти Ўзбекистонда қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш борасида катта салоҳиятга эга.

ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди

Қуёш энергияси – келажак энергияси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакатимизда мустақиллиқнинг дастлабки кунларидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда кенг эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели» бу борадаги ишларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу моделнинг асосий мақсади кучли миллий иқтисодиётни ташкил этиш, янги юқори технологияли корхона ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежаш имконини берадиган замонавий технология ҳамда услубларни жорий қилишдан иборат. Шу боис ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш, жумладан, ресурсларни тежайдиган янги технологияларни жорий этиш ҳисобидан тараққий эттириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизнинг тўла энергетика мустақиллигига эришгани ҳам ушбу йўналишдаги ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао ўз нутқида Ўзбекистон Марказий Осиёда қуёш энергиясини ривожлантириш борасида етакчи мамлакат бўлиши учун зарур улкан ер ресурслари, қуёшли кунларга, юқори малакали ва билимли инсон ресурсларига эга эканини таъкидлади. Шу боис қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланди. Серқуёш ўлкамизда йилнинг 320 кундан кўпроғида қуёш чарақлаб туради. Қуёш энергиясининг йиллик салоҳияти эса нефт эквивалентида 51 миллиард тоннадан ошади. Бу қуёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш, иссиқ сув ва иситиш тизими билан таъминлаш, қудуқдан сув олиш ва уни чучуклаштириш, мева-сабзавотларни қуритиш ҳамда бошқа кўплаб мақсадларда кенг кўламда фойдаланиш имконини беради.

Мажлисда Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга экани ва бу борада самарали илмий тажриба тўплангани таъкидланди.

Мамлакатимизда қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур кўп тармоқли илмий-тажриба ва моддий-техник база самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида қуёш энергиясини ярим ўтказадиган фотоўзгартиргичларни ишлаб чиқиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш, турли мақсадларга мўлжалланган биоэнергетика манбалари, қурама гелиотехник қурилмалар, мустақил таъминот манбаларини лойиҳалаштириш, юқори ҳароратли гелиоматериалшунослик соҳасида илмий мактаблар шакллантирилган.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини фаоллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда саноат тармоқлари, шу жумладан, энергетика соҳасида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Обод турмуш йили» Давлат дастури, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида энергия тежайдиган тизимларни жорий этиш, муқобил

энергия манбаларидан кенг фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ва бошқа дастурий ҳужжатлар энергия истеъмоли соҳасида юзага келаётган қатор масалаларни ҳал этиш, ноанъанавий энергетика ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг кўламда фойдаланиш учун янги имкониятлар яратиш, қуёш панеллари учун тегишли ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни саноатлаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб гелиотизимлар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар фаолият кўрсатмоқда. «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази, «Mir Solar» масъулияти чекланган жамияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланилмоқда. Уй-жой коммунал хўжалигида қуёш энергияси элементларини жорий этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунончи, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосида барпо этилаётган айрим уйларда қуёш ва шамол энергиясида ишлайдиган гибрид тизимлар ўрнатилмоқда. Яқин келажакда мамлакатимизнинг бориш қийин бўлган туманларида жойлашган умумтаълим ва касб-ҳунар ўқув муассасаларини ҳам қуёш энергияси элементлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрган форум иштирокчилари ҳам бундай технологиялардан фойдаланиш яхши самара беришини қайд этди. Улар мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги мавжуд имкониятлар ва олимларимизнинг бу борадаги энг сўнгги ютуқларини юксак баҳолади, Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан самарали ҳамкорлик қилаётганини таъкидлади.

Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазирининг биринчи ўринбосари Хан Чжин Хён Корея Республикаси Ўзбекистонда Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришга оид муҳим инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда иштирок этаётганини таъкидлади. Мамлакатимиз муқобил энергия манбалари соҳасида катта салоҳиятга эга экани эътиборга олиниб, қуёш энергетикасини ривожлантириш, шу жумладан, қуёш электр станцияларини бунёд этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти олимларининг ишланмалари форум иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу ерда қаттиқ жисм назарияси, юксак технологиялар ва ярим ўтказгичлар, қуёш энергиясини ўзгартириш физикаси соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ, Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси имкониятларидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш мазкур илмий даргоҳнинг асосий фаолият йўналишларидандир. Шунингдек, қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳам институтнинг вазифалари сирасига киради.

Олимларимизнинг юқори ҳароратли материалшунослик соҳасидаги ютуқлари ҳам форум қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Экспертлар Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган 1 МВт иссиқлик қувватига эга катта қуёш печи барпо этилган «Қуёш» объектини бориб кўрдилар. «Физика-Қуёш» мажмуининг ушбу ноёб базаси қуёшни ҳар томонлама кузатиш, назарий ва тажриба тадқиқотлари билан шуғулланиш имконини беради.

— Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида улкан салоҳиятга эга, — деди Бранденбург институти президенти, профессор Клозе Эдгар (Германия). — Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илғор тизимлар ишлаб чиқариш имконини берадиган технологик база мавжуд. Ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрганимиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдик. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Халқаро экспертлар қуёш энергеткасини ривожлантириш истиқболлари ва ушбу соҳадаги технологияларни тараққий эттириш борасидаги сўнгги тенденциялар ҳақида атрофлича сўз юритди. Жумладан, Севилия университети профессори Эдуардо Галваннинг (Испания) фотоэлектрик технологияларни ривожлантириш тенденциялари, интеграция ва таҳдидлар масалалари, Европа қуёш иссиқлик энергияси уюшмаси бошқаруви директори Марсел Биалнинг (Белгия) қуёш иссиқлик энергиясининг истиқболлари, «Solar Technology Advisors» компанияси бош ижрочи директори Йорге Сервертнинг (Испания) Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, «Алстом» компаниясининг стратегия ва бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Паоло Монтресорнинг КСЭ электр энергиясининг муҳим аҳамиятига доир маърузалари тингланди.

Осиё қуёш энергияси форумининг ялпи мажлисида сўзга чиққан Халқаро қуёш энергияси институтининг директори Алим Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Саъдулла Лутфуллаев ва бошқалар Ўзбекистон олимларининг муқобил энергия манбаларини, шу жумладан, қуёш энергиясини ривожлантириш соҳасида катта ютуқлари ва ноёб ишланмаларини қайд этди.

Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўз ишини секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА муҳбири

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Одамохун

Қаеринг оғриса — жонинг ўша жойда, деганларича бор экан. Гапнинг рости, ҳаммаси ўзимдан ўтди. Ўнг қўлтиғимда яра пайдо бўлганда «арзимас нарсага ҳам духтурми?» деган ўйда танишбилишлар тавсияси билан ҳар хил малҳамлардан суртиб, таблеткаларга ружу қўйиб юраверибман. Бора-бора яра кўпайиб, қўлим қимирласа ҳам зирқираб оғритадиган бўлди.

Ноилож туман тери касалликлари шифохонасига бордим. Бир жойинг оғриб турса инжиқлашиб қоларкансан, киши. Шундай лаҳзаларда палатага ўрта бўйли, истараси иссиқ, кўзлари кулиб турувчи, оқ халати ўзига жуда ярашган врач Комилжон Ҳусайновнинг ташрифи биз беморлар учун гўё булутли осмонда офтоб чарақлагандек бўларди.

Комилжон ҳар биримизга алоҳида эҳтиром билан муомала қилар, ҳазил аралаш гапиришни одатга айлантиргани, сўзларни топиб ўз ўрнида қўллаши юксак маданиятидан дарак берар, адабиётдан, санъатдан яхшигина хабардорлиги, касбини севиши ва ардоқлашини пайқаш қийин эмасди. Унинг, айниқса, беморга «ундай қилинг, бундай қилинг» деган буйруқ тарзида эмас, «ундай қиламиз, бундай қиламиз» дея маслаҳат оҳангида мулойимлик билан тавсия бериши ёқимли эди. «Исмини топиб қўйишган экан», деган фикр ўтди хаёлимдан.

Палатадошим, Комилжоннинг ҳамқишлоғи Зайниддин ака худди дилимдагиларни уққандай докторимиз ҳақида билганларини ҳикоя қилиб қолди.

Маълум бўлишича, Комилжоннинг отаси, раҳматли Турсунбой ака туманнинг обрўэътиборли ўқитувчиларидан бўлиб, ўғли ҳам дастлаб ота касбини эгаллашни ният қилган. Шу ҳақда ўйлаб кечалари уйқуси қочган. (Ўқитувчиларга алоҳида ҳурмат назари билан қараши бу касбга меҳридан бўлса ажаб эмас). Лекин отасида экземанинг оғир шакли пайдо бўлиб, азият чекиши, бу ҳолатнинг чўзилиб кетиши ўғилни қаттиқ ташвишга соларди. Бора-бора кўнглида шифокорликка иштиёқ туғилди. Буни сезган ота ўғлига шундай деди:

— Шифокорлик жуда олижаноб касб, ўғлим. Лекин ишинг доимо беморлар биланда. Беморнинг ҳоли эса тайин. Бежизга, касал касал эмас, касалга қараган касал дейишмаган. Бу касбда Луқмони Ҳаким, Абу Али ибн Сино мисоли бардошли, иродали бўлишга тўғри келади. Машаққатларига чидасанггина обрў топасан.

Ўғил ниятида устувор турди. Тошкент тиббиёт-педиатрия институти, сўнгра Республика Дерматология-венерология илмий-текшириш институти интернатурасида ўқиди. Тери касаллигининг юзлаб турлари мавжудлиги, ер юзи аҳолисининг икки фоизи шу дарддан азият чекишидан хабардор бўлди, бундай хасталикларни даволаш йўлларини ўрганди. Бу орада отасини энг кучли мутахассислар тавсиялари билан даволатди, машҳур сиҳатгоҳларга ётқизиб, ўзи қаради ва дуосини олди.

Ёш мутахассисни 1983 йилда туман тери касалликлари шифохонаси жамоаси илиқ кутиб олди. Тиниб-тинчимас йигитга устозлар бобида ҳам омад кулиб боқди. Турсунбой Шобаҳромов, Эркин Ҳомиджонов каби тажрибали шифокорлар ёрдамида ҳакимлик сир-асрорларини пухта ўрганди. Қўли енгил шифокор, фаол жамоатчи сифатида оғизга тушди. Олий тоифали врач даражасига етди. 1990 йилда бўлим мудирлигига, 1998 йилда бош врачлик вазифасига тайинланди.

Комилжон шифохонани бошқарган ўн беш йил давомида муассаса моддий базаси янада мустаҳкамланди. Жамоанинг саъй-ҳаракати, «Пахта толаси» ҳиссадорлик ва «6-ХМКК» масъулияти чекланган жамиятлари ҳомийлигида 30 нафар беморга мўлжалланган физиотерапея бўлими ташкил этилиб, замонавий «Дерсанвал» кварц ва парафин қўйиш аппаратлари билан жиҳозланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тармоқнинг вилоят бошқармаси ва туман бирлашмасининг қўллаб-қувватлаши билан шифохонага бошқа зарур жиҳоз ҳамда ускуналар келтириб ўрнатилди. Республика Дерматология-венерология илмий-текшириш институти мутахассислари иштирокида аҳоли ўртасида ихтисослашган кўриклар ўтказиш йўлга қўйилди. Профилактика ишлари яхшиланиб, туманда тери касаллигига чалиниш ҳоллари кескин камайди.

Шифохона Комилжон учун қадрдон, азиз даргоҳ. Ўттиз йилдан буён севимли масканига бор меҳрини бериб келмоқда. Касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотларига, ҳамкасбларига таяниб, шифохона теварагидаги паст-баланд ташландиқ майдонларни текислатди ва кўзларга қувонч бағишлайдиган кўркам боғ яратишга бош-қош бўлди.

Шифохонанинг вилоятда илғорлар сафида эканлигини Комилжон, аввало, шогирдлари, бош шифокор, адаши Комилжон Аҳмаджонов, врачлар Абдуллажон Саматов, Санобар Убайдуллаева, тиббиёт ҳамширалари Орзихон Жўраева, Ўктамой Аҳмаджонова, Ирода Тўхтасинова, Ҳуррият Мирхалилова, боғбон Тўйчивой Тошматов кабиларнинг фидойиликларида деб билади. Меҳнат фаолияти шундай ажойиб жамоада кечаётганлигидан фахрланиб қўяди...

Душанба куни Комилжон дарддан фориғ бўлганимни одатига хос очиқ чеҳра билан айтиб, битта хизмати борлигини билдирди.

— Бажонидил, — дедим шундай қўли енгил шифокорнинг менга илтимоси борлигидан севиниб.

Палатадошим Зайниддин аканинг: «Комилжон таъмани билмайди, китобдан бошқа совғани олмайди», деган гапи эсимга тушди негадир.

— Бир пиёла чой мендан, — сўзида давом этди у. — Ўктамали акани таклиф қиласиз. Учовлон ишдан сўнг бафуржа отамлашсак.

— Майли-ю, лекин чой мендан, — дедим шошиб.

— Унақаси бизга тўғри келмайди, — шифокорнинг чеҳраси бирдан жиддий тортди. — Ака билан дўстлаштириб қўйсангиз, дегандим.

Ўктамали Турсунов — касбдошим. Чуст саноат, транспорт ва алоқа коллежида бирга ишлардик. Бўлим бошлиғи ва касаба уюшмаси қўмитаси раиси эди. Қайси куни мендан хабар олгани келган, Комилжон билан гаплашган, икковлари жуда чиқишиб қолишганди...

Вақт — тезоқар дарё. Мана, ўшандан буён беш йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Бу даврда Комилжоннинг яна талай фазилатлари кашф этилди.

— Ака ҳақларида газетага ёзсангиз арзийди, — деб қолди бир куни Комилжон Ўктамалини назарда тутиб. — Кеча ҳокимиятдаги йиғилишда ака ҳам, касабақўм иши ҳам мақталди. Ўзлари ҳам зўр инсон-да!

Бўш пайтларимда турли нашрларга материаллар ёзиб турар, лекин нима учундир яқин дўстларим ҳақида қалам тебратиш хаёлимга келмаганди. Шу ҳақда оғиз очгандим, Комилжон ўз фикрида туриб олди. Кечки пайт Ўктамалининг қиёфасини кўз олдимга келтириб, унинг фаолиятини бир-бир хаёлимдан ўтказдим-у ишга киришдим. Қаламим гўё ўз-ўзидан юргандай туюлди менга ва лавҳа ҳеч қийинчиликсиз бир ўтиришда тайёр бўлди.

«Ishonch»нинг 2008 йил 24 июл 88-сонида чоп этилиб, омадни қарангки, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Келгуси йили «Орият» сарлавҳали очерким ушбу нуфузли танловда иккинчи ўринга лойиқ топилди. Шундан буён материалларим «Ishonch» газетасида мунтазам чоп этилмоқда. Мақола ёзишга астойдил киришганим сабаб бўлдими, коллеждан тармоқ газетасига ўтиб ишламоқдаман.

Яхши биламизки, ҳаёт ҳеч қачон бир зайлда кечмайди. Кунларнинг бирида Комилжонни қаттиқ ташвиш исканжасида кўриб, ҳол-аҳвол сўрадим.

— Аканинг ҳолатлари яхши эмас, — деди у қайғу билан.

Ўктамалининг бир йилдан бери ошқозон оғриғидан азоб чекаётганидан хабардор эдим. Лекин у оғриқни писанд қилмас, ҳеч нарса бўлмагандек сидқидилдан ишларди. Бошқача бўлиши мумкин эмас, у табиатан шундай инсон.

Комилжон Ўктамалини дастлаб туман шифохонасига ётқизиб, даволаттирди. Кўнгли тўлмай Андижон, сўнгра Тошкентдаги энг кучли шифокорлар текширувидан ўтказди.

Дўст бўлса — шунчалик бўлар.

Орадан икки ой ўтди. Биродаримиз Ўктамалини бой бердик. Уни Ахча қишлоғи қабристонига қўйиб қайтарканмиз, Комилжонга тасалли беришга ожиз эдик.

Негадир, шу лаҳзаларда Комилжон билан ижодкор ўқитувчи Абдуфаттоҳ Абдусаломовнинг узоқ умр кўриш сирлари ҳақидаги китобини нашр этиш олдидан фикрлашганимиз кўз олдимга келди. Камина китобга муҳаррир сифатида таҳririни тугатган, тақризчи К. Ҳусайнов рисолани «...Эй умри азиз» деб номлаш (дастлабки номи «Энг азиз неъмат») мақсадга мувофиқ, деган таклифни билдирди.



— Ҳар лаҳза ғанимат, — деган эди у. — Кечаги бор одам бугун йўқ. Муаллиф бизни умр қадрига етишга даъват қиляпти. Янги ном, менимча, рисоланинг мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келади.

Комилжон аканинг касбий маҳорати, инсоний фазилатлари ва аҳил оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Умр йўлдоши Мавлудахон билан Камолжон, Аброржон, Алишер ва Валишер каби ажойиб фарзандларни вояга етказди. Аброржон ота касбини танлаган.

Ҳазрат Навоий бобомиз «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай лутф этмишлар: «Табибга ўз ишида маҳорат, беморларга қарашда шафқат ва марҳамат керак. Касбига садоқатли, донишмандлар сўзларига эргашувчи, сўзида кўнгил овлашлик, ўзида ҳаё ва хушфеъллик бўлсин». Комилжонда буюк бобокалонимиз орзусидаги фазилатлар мужассамлиги, аввало унинг, қолаверса, юртдошларининг бахти.

Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти ЎМКҲТ бошқармасининг «Маҳорат мактаби» газетаси муҳаррири ўринбосари

Ishonch
2013-yil 23-noyabr № 141-142 (3335)

Аёл, оила ва жамият

Истиқлолнинг илк давридан инсон омилига алоҳида эътибор қаратилиб, барча ислоҳотлар Ўзбекистон фуқароларининг бахтли ва фаровон турмуш кечиришини кафолатлашдай олий мақсад учун йўналтирилди. Узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар самарасини бугун халқимизнинг тинч ва осойишта, обод ва фаровон турмушида кўриб турибмиз.

Муҳтарам Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу концепцияда таъкидланганидек, «... бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир».

Қаршилик миллий либослар дизайнери Шаҳноза Эрназарова «Ширинoза» тикувчилик цехига раҳбарлик қилиш билан бирга ўнлаб қизларга ҳунар ўргатмоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Бандлик – барқарор ривожланиш кафолати

Юртбошимизнинг 2012 йил 9 октябрдаги ташрифи Хоразм вилоятида юқорида қайд қилинган вазифаларни амалга ошириш суръати ва сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ташрифдан сўнг қисқа муддатда воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган 4 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Мазкур дастурлар асосида вилоятда 2013-2017 йилларда 3 триллион сўмлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида 1,6 триллион сўмлик; 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ошириш Дастури асосида 920 миллиард сўмлик; 2013- 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури асосида 173 миллиард сўмлик; «Тошсақа» тизими магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳаси асосида 288 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилмоқда.

Албатта, бундай йирик дастурларнинг амалга оширилиши вилоятнинг ҳар томонлама ривожланишини кафолатлабгина қолмай, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, хотин-қизлар бандлиги муаммоларни ҳал қилишга, шу орқали оилалар тинчлигини, фаровонлигини оширишга қўмаклашмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, вилоят аҳолиси 1 663,5 минг нафарни ташкил қилиб, шундан 833,9 минг нафари хотин-қизлардир. Аёлларнинг 331,6 минг нафари иқтисодий фаол саналиб, уларнинг 125,8 минг нафари (40,9 фоизи) расмий секторда, 158,4 минг нафари (47,8 фоизи) норасмий секторда банд.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хотин-қизлар қўмиталарининг асосий вазифаларидан бири сифатида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш белгиланган.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг Бандлик дастури доирасида 2013 йилнинг 8 ойи мобайнида 42464 та янги иш ўрни яратилиб, шундан 19967 тасига хотин-қизлар жойлаштирилган. Жумладан, Шовот туманида 3696 та янги иш ўрни яратилиб, 2024 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тумандаги «ЎзТексШовот» корхонаси негизида ип калава ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилиши 369 та иш ўрни яратилишига сабаб бўлди. Янги иш жойларининг 198 нафарини аёллар банд қилди.

«Шовот темир йўл обод» чорвачилик ва паррандачилик комплексининг иш бошлаши ҳам қишлоқ инфратузилмасини яхшилашда, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу корхона томонидан 16,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига йилига 600 тонна сут ва 12 млн. дона тухум ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда корхонада 215 киши меҳнат қилади ва уларнинг 40 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Аёллар бандлигини таъминлашда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг кўмаги катта бўлмоқда. Уларга мурожаат қилган 11,4 минг нафар хотин-қизларнинг 9,6 минг нафари ишга жойлаштирилди. Аёллардан 525 нафари қайта касбга ўқитилиб, 720 нафари жамоат ишларига жалб этилди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг ҳамкорлик жамғарма фонди билан ҳамкорликда 2012 йилда вилоятда ташкил қилинган «Аёллар маслаҳат маркази»да хотин-қизлар ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватланмоқда ва тадбиркорлик асослари ўргатилмоқда. Марказ томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда вилоят шаҳар ва туманларида, айниқса, чекка ҳудудларда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган 100 дан ортиқ семинар ва 54 та давра суҳбати ўтказилди.

Кейинги йилларда касаначилик асосида ташкил қилинаётган янги иш ўринлари аёллар бандлигини таъминлабгина қолмасдан, уларнинг оила бағрида бекалик ва оналик вазифасини баробар олиб боришини кафолатламоқда. Бу эса аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Вилоятда касаначиликнинг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобига 3950 та корхона ва ташкилотда 13314 та, шундан аёллар учун 7374 та иш ўрни яратилди.

Ўзбек аёлларининг қўли гул. Ҳунарманд аёлларимизни рағбатлантиришда, уларнинг асрий анъаналарни давом эттиришларига шарт-шароитлар яратиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси ва унинг 7 та туман бўлимлари ҳунарманд аёлларнинг бошини бириктириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш шароитларини яхшилаш чораларини кўрмоқда.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда амалга оширилаётган саноат, хизмат ва сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари эътиборга молик. Вилоят аҳолисининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилишини эътиборга олган ҳолда бундай лойиҳалар чекка қишлоқларда татбиқ этилмоқда. Бу эса қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қиляпти. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида йилнинг ўтган даврида 62 млн. долларлик 885 та шундай лойиҳалар амалга оширилиб, 4906 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Янги лойиҳалар эвазига жорий йил якунига қадар 63,5 мингта, шундан хотин қизлар учун 28,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш муҳим ва долзарб масалалар сирасига киради. Шу мақсадда вилоятда 2013 йил давомида 71 марта ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил қилиниб, уларда иштирок этган 3204 та корхона томонидан мавжуд 28849 та бўш иш ўрни бўйича касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига 947 та йўлланма берилган. Қолаверса, тижорат банклари томонидан 979 нафар коллеж битирувчисига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида қарийб 5,7 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилган. Шу каби чора-тадбирлар натижасида 2012/2013 ўқув йили вилоятдаги 85 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 16,5 минг нафарининг, жумладан, 8,5 минг нафар қизларнинг бандлиги таъминланди.

Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш Дастурига асосан жорий йилнинг январ-август ойларида вилоятда 524 та хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, уларга умумий қиймати 46,6 млрд. сўмлик (ўз маблағи 43,1 млрд.сўм, банк кредити 3,5 млрд.сўм) инвестициялар жалб қилинган ва 2472 та янги иш ўрни яратилган. Жумладан, 169 та савдо дўкони, 21 та умумий овқатланиш корхонаси, 3 та «Гузар» савдо комплекси, 32 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 20 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахонаси, 52 та сартарошхона, 8 та суратхона, 19 та маиший техникаларни таъмирлаш, 21 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш устахоналари ва 179 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилган. Вилоятдаги тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 8 ойи давомида хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган 20,1 млрд. сўм кредитнинг ярмидан кўпроғи тадбиркор аёллар ҳиссасига тўғри келади. Дейлик, «Микрокредитбанк» томонидан 3,3 млрд. сўм, шундан аёл тадбиркорлар учун 1,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган.

Таҳлиллар ишловчи аёллар ўз оилалари тақдири хусусида кўпроқ қайғуришини, тежамкорлик билан рўзғор тебратиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслигини кўрсатади. Қолаверса, аёллар бандлиги турли оилавий можароларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Шу боис аёлларнинг барчасини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш чораларини кўряпмиз. Хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ходимларидан иборат ўрганиш гуруҳлари маҳаллалар фуқаролар йиғинлари кесимида уйма-уй юриб, ишсиз аёлларнинг касби, меҳнатга лаёқати ва ишлаш имкониятларини ўрганиб чиқилиб, «Ўз бизнесингни йўлга қўй», «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш», «Аёл тадбиркор бўлса, оила фаровон бўлади» мавзуларида семинарлар ўтказилмоқда. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш иштиёқидаги хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоят кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60,6 фоиз, саноатдаги улуши 36,4 фоизни ташкил этган бўлса, банд аҳолининг 530,7 минг нафари (80 фоиз) кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Ҳисобот йилида вилоятдаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 198 млрд. сўм (135,4 фоиз), шундан аёл тадбиркорлар учун 21,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган.

Республикамизда иқтисодий ночор, кам қувватда ишлаётган корхоналар фаолиятини банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган ноанъанавий тизим вилоятдаги 405 та ана шундай корхоналар ҳисобига 3400 та янги иш ўрни яратиш имкониятини беради.

Аёл — жамият таянчи, оила чароғбони. Аёл қанчалар фаол, кучли бўлса, жамият ҳам шу қадар кучли бўлади. Боиси, аёл ҳам ўз иқтидори, меҳнати эвазига, ҳам оила фаровонлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссаси, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари орқали юрт равнақини кафолатлайди.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Хоразм вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ёшларга ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари ажратиш ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Муттасил эътибор

Унда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароит яратиш банкларнинг доимо диққат марказида бўлиб келаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, банк тизими Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётир. Тижорат банклари кичик бизнес субъектларини, айниқса, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини имтиёзли шартларда кредитлаш, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар ёшлар ва ёш оилаларга ипотека, истеъмол ҳамда таълим кредитлари, шунингдек, ёш тадбиркор, ҳунарманд, фермерларга молиявий кўмак беришни тартибга солувчи 15 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда ёш оилаларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилдан кам бўлмаган муддатга ипотека кредитлари ажратилмоқда. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уй-жойлар учун тақдим этиладиган ипотека кредитлари фоиз ставкаси 7 фоиз этиб белгиланган. Бундан ташқари, ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган, жумладан, мебел, маиший техника ва бошқа ҳаётий зарур товарларни сотиб олиш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 3 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда истеъмол кредитлари берилянти. Шу билан бирга, фуқаролик паспортининг нусхаси, иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда 3 йилгача Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси билан истеъмол кредитлари ажратиш тизими йўлга қўйилган.

Ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларнинг лойиҳаларини молиялаштириш «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш» тартиби, «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа тегишли ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган фоиз ставкасида ажратилади.

Банк тизимида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида 2008-2012 йиллар давомида ёш оилалар 643,9 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари, 287,7 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари, 103,0 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ҳамда ёш тадбиркор, ҳунарманд, фермерлар 1,6 трлн. сўмдан зиёд кредитлар билан таъминланди.

Тижорат банклари «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ўтган 10 ой давомида 6,2 трлн. сўмлик кредитлар берди. Шундан 286,9 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ёш оилаларга 150,4 млрд. сўм миқдорида ипотека, 87,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол, шунингдек, 47,3 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг ўн ойида 116,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар йўналтирилди.

Тижорат банкларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти фақат кредит ажратиш билан чекланмасдан, уларни тадбиркорликка жалб этиш борасида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилаётир. Сиёсий партиялар, «Камолот» ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан 1215 та кичик бизнес субъектига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тақдим этилди ва уларга 92,5 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан 713 нафар ёш тадбиркор ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 10 млрд. сўмлик, 293 нафар тадбиркор аёлнинг 9,7 млрд. сўмлик бизнес лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштирилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этади. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларнинг нафақат оила, балки иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида ҳам фаоллик кўрсатаётганидан далолат.

Кенг имкониятлар самараси

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Хотин-қизларнинг тадбиркорлиги — жамиятда ва оилада ижтимоий барқарорликни таъминлаш гаровидир» мавзуидаги матбуот конференциясида юртимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар хусусида батафсил сўз юритилди.

Таъкидланганидек, айни пайтда ўз атрофига 12000 дан зиёд тадбиркорлик субъектини бирлаштирган ассоциация саъй-ҳаракати билан кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 14 минг нафардан ортиқ хотин-қиз эса бизнес соҳаси бўйича ўқитилиб, 9 минг нафардан ортиқ вақтинча ишсиз бўлганлар меҳнат бозорида харидоргир саналган касб-ҳунарга йўналтирилди.

— Ўзбекистонда тадбиркорлар сафида аёлларнинг йилдан-йилга ортиб бориши нафақат мамлакатимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда, — дейди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Маҳмудова. — Хотин-қизлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратишда ассоциация томонидан илгари сурилаётган учта йирик лойиҳа ҳам бу жараёнга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда 200 мингга яқин тадбиркор аёл расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бораётганини, 300 мингга яқин опа-сингилларимиз эса мустақил иш юритаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу катта куч, албатта. Айни пайтда ассоциациямиз олдида турган энг устувор вазифа тадбиркор аёллар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали уларга Президентимиз Фармонлари, амалдаги қонунлар асосида ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Анжуманда, шунингдек, аёлларнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам камол топиши учун юртимизда мустаҳкам замин яратилгани, уларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрнини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги интилишлари қўллаб-қувватланаётгани жонли мисоллар асосида таҳлил этилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Қорасув саноат комбинати» масъулияти чекланган жамиятида янги цех ишга туширилиб, қўшимча 30 та иш ўрни яратилди ва маҳаллий касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 10 нафари ишли бўлди.

Янги цех шарофати

Бу ерда асосан қалин тўшак (матрац) ва қишки кийим тикишда ишлатиладиган ип (вата-прима, момиқ) ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларга нафақат юртимизда, балки совуқ иқлимли ўлкаларда ҳам талаб катта. Жумладан, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон доимий харидорлар ҳисобланади.

Корхона жорий йил бошидан буён хорижга сотган маҳсулот 260 минг АҚШ долларини ташкил этди.

МЧЖда 500 ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг дам олиш ва меҳнат шароити кўнгилдагидек. Ойлик маош ўз вақтида берилади. Тушлик бепул.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳаракатда баракат

Сирдарё вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда бўш турган, қурилиши тугалланмаган, фаолиятсиз ҳамда кам қувватли корхона ва объектлар фаолиятини тиклаш, шунингдек, молиявий соғломлаштириш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқди.

Мониторинг таҳлилларига кўра, жорий йил 1 сентябр ҳолати бўйича лойиҳаларга вилоят тижорат банклари томонидан 12,7 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Айниқса, 127 та лойиҳа корхоналарнинг ўз маблағи эвазига тўлиқ амалга оширилганлиги таҳсинга лойиқ. Натижада, вилоят бўйича 1077 та янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми 70,3 млрд. сўмга етказилишига эришилди.

Жумладан, Гулистон шаҳридаги «Сирдарынский берег» МЧЖга ОАТБ «Микрокредит банк» томонидан ажратилган 200,0 млн. сўм кредит ҳисобига бўш турган бинода писта ва бодом маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш корхонаси ишга тушди. Бу 15 нафар ёшни иш билан таъминлаш имконини берди. Ховос туманида жойлашган «Нафис нур барокат» МЧЖга ДТ «Халқ банки» вилоят бўлими томонидан ажратилган 120,0 млн. сўм кредит ҳисобига бинода тикувчилик корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда 40 нафар ёшлар иш билан банд.

Истиқболда ишга туширилиши кутилаётган йирик лойиҳалар ҳам мавжуд. Шулардан бири, Оқолтин туманидаги «Сардоба Текстил» кўшма корхонасига қарашли бир неча йил давомида бўш турган, фойдаланилмай келинаётган бинода ТИФ «Миллий банк» вилоят бўлимининг 200,0 млн. сўм кредити ва таъсисчилар томонидан 500,0 млн. сўм инвестиция киритилиши ҳисобига тикувчилик корхонаси фаолиятини йўлга қўйишдир. Ушбу маблағ эвазига бинода таъмирлаш ишини якунига етказиб, қўшимча 120 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Янги лойиҳалар рўёби йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилянти. Жорий йил якуни бўйича 161 та лойиҳани амалга ошириш орқали 1806 та янги иш ўрни яратиш ва хизматлар ҳажмини 122253,0 млн. сўмга етказиш кўзда тутилаянти.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Муштарий фикри – энг холис мезон

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Энг обод маҳалла», «Энг намунали томорқа», «Энг саранжом хонадон» кўрик-танловлари «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилишига қўшилаётган ўзига хос ҳисса бўлиш билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Бевосита касаба уюшмалари мутасаддилигида «Спорт — саломатлик гарови», «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида ўтаётган мусобақалар ва «Саломатлик» спартакиадаси тобора кенг оммалашаётир, «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танлови иқтидорларни кашф этишда янгича ёндашув бўлди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверия» газеталари таҳририятлари ходимларининг жойларда ўтаётган газетхонлар билан учрашув ва мулоқотларида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли, ибратли ишларга алоҳида урғу берилган ҳолда, ушбу ютуқлар газеталарда ўз ифодасини топаётгани алоҳида қайд этилмоқда.

* * *

Самарқандликлар ўзларининг фидокорона меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Вилоятда янги қувватларни ишга туширириш, иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган. «Намунавий лойиҳа» асосида янги турар жойлар, замонавий қишлоқлар бунёд этилмоқда. Жорий йил поёнигача 1050 та ана шундай уйлар эгаларига топширилади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими масъул ходими Анвар Шерматовнинг эътироф этишича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сиҳатгоҳлар хизматидан фойдаланганлар 100 нафарга, болалар оромгоҳларида дам олган фарзандлар 5 минг нафарга кўпайган. Иш ўринларини шаҳодатлаш, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш салмоғи ҳам ортган. Касаба уюшмаларига бўлаётган мурожаатлар ўз фурсатида ҳал этилаётгани боис унга аъзо бўлиш истагида бўлаётган ташкилотлар ортиб бораётир. Ҳудудда фаолият бошлаган «MAN» юк автомобил ишлаб чиқариш, «Амин Инвест» сингари йирик корхоналар ҳам касаба уюшмалари сафига тортилди.

— Фаолиятни тубдан такомиллаштириш жамоат ташкилотининг нуфузини оширди. Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотининг жамоадаги ўрни, мавқеи, кўрсаткичларида сезиларли даражада юксалди, — деди мулоқот жараёнида Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров. — Мамлакат касаба уюшмалари ҳаётидаги ўзгаришлар, илғор иш услублари, тажриба-ю ташаббуслари ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Улардан ҳар доим ибрат олишга интиламиз. Бунда касаба уюшмалари нашри «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари яқин кўмакдош бўляпти. Ҳар бир касабақўм етакчиси, ташкилот аъзоси ана шу нашр орқали жамоат ташкилотларидаги янгиликлардан баҳраманд бўлмоқда. Газетага обуна бўлиш ҳудудлараро сўзсиз мулоқотдек гап. Маълум бўлишича, авваллари ўрта ҳисобда 1800-2800 нусха атрофида обуна бўлинаётган экан. Ваҳоланки, қарийб 3500 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Нима, улар учун касаба уюшмалари ҳаёти қизиқ эмасми? Ҳар бир бошланғичга буни тушунтиришга интилдик. Бу йил ташкилотларимиз касаба уюшмалари нашрига 3330 та обуна бўлиш истагини билдиришди.

— «Ishonch» газетасини муттасил ўқиб бораман ва тез-тез мақолаларим билан қатнашиб тураман, — дейди бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Усмон Каримов. — 2013 йилда менга газетада чоп этилган Тошкент вилоятида хизмат қилаётган ҳамкасбим мақоласи манзур бўлди. Ана шундай меҳнат муҳофазасига дахлдор долзарб мақолалар мунтазам чоп этилишини истайман...

* * *

Дарвоқе, касаба уюшмалари нашрига обуна бўлишда ургутликлар пешқадамлик қилишмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда бошланғич ташкилотларда обуна мавсуми бошланган ҳафтадаёқ «Ishonch»га 168 тага обуна бўлингани маълум бўлди.

— Бу йил обунада Пайариқ ортда қолибди-да, — деймиз Бирлашмага келган туман кенгаши бош ҳисобчисига.

— 160 тадан ортиқ «Ishonch», 15 тадан «Ishonch-Доверие» газеталарига ёзилганимизга бир ҳафта бўлди, — дейди у. — Биз пахта теримида иштирок этган илғор ҳашарчиларни ҳам касаба уюшмалари нашрига обуна билан сийладик.

Дарҳақиқат, таҳририят билан Пайариқ аҳли ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганига етти йилдан ошаётир. Йилига учтўрт маротаба юзма-юз учрашувлар, мулоқотлар ташкил этиб турилади. Муносабатларнинг илиқлигида жамоат ташкилоти фидойиси Раҳмат ака Маҳмудовнинг хизматлари беқиёс. Гоҳо таҳририятга, гоҳо вилоят мухбирига қўнғироқлар қилиб, қилинаётган эзгу ишларнинг хабарини етказишдан эринмайди.

* * *

Бугунги кунда самарқандликларнинг моҳир қўлларидан чиққан турли хилдан маҳсулотларга дунёнинг 20 дан ортиқ давлати харидор. Шундай жамоалардан бири — «Сам Антеп Гилам» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидир. Фаолиятини 30 киши билан бошлаган корхонада жойлардаги яратган иш ўринлари билан қўшганда, ҳозирда 1200 нафар ходим ишлаяпти. Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходимларга шарт-шароит яратиш борасида тинимсиз изланмоқда. Корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг Белгияга экспорт қилинаётгани гиламдўзларнинг маҳорати ўта талабчан халқларнинг ҳам дид ва талабига мос келаётганининг исботидир.

Корхонада ходимларни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш намунали йўлга қўйилган. Ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган, ишга келиб кетишлари учун махсус автотранспорт воситалари ажратилган.

Корхона топган маблағининг бир қисмини вилоятни ободонлаштиришга, спортнинг оммавийлигини оширишга сарфлаётир.

— Вилоятда от спортини ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма ташкилотчиси Камол Шукуров. — Мақтанишга йўйманг-у шу чоққача ҳаваскор чавандозларимиз 20 дан ортиқ медалларни қўлга киритишди.

Корхона цехларида мулоқот давом этди. Юз фоиз техника зиммасига юклатилган соҳада кўзни оладиган гиламлар тайёрланмоқда. Улар сифатлилиги ва бежиримлиги билан кўзни қувонтиради.

— Ушбу корхонада ўз ўрнимни топганимдан мамнунман, — дейди ишчи Нигора Эгамбердиева. — Бу ерда ходимлар учун барча шарт-шароит яратилган. Бу йил 8 миллион сўм обунага йўналтирилди. «Ishonch» газетаси энг севимли нашрларимиздан.

— Яқинда корхонамизнинг Булунғур туманида ташкил этилган филиалида бўлиб қайтдим, — дейди ишчи Дамир Негматов. — Ўша ерда ишлаётган ходимларимиз ҳам меҳнаткашларга ҳамкор газетани севиб ўқишар экан.

Фаррух Жумаев раҳбарлик қилаётган гиламга сўнгги пардозлаш ишларини бериш цехидаги учрашув амалий тус олди. Бу ерда икки сменада 148 ходим меҳнат қиларкан. Цех раҳбарининг эътироф этишича, бу ерда тайёрланган маҳсулотга ҳали ҳеч бир ердан эътироз келмаган.

— Цехимизда ишловчилар ҳафтада бир маротаба «Маънавият соатлари»да иштирок этаётир, — дейди ишчи Насиба Худойбердиева. — Инсон тафаккурида маънавиятнинг ўрни бошқача. Шахсан ўзим газеталарни мунтазам ўқийман. Улар орасида «Ishonch» газетаси биз учун қадрли. Газетада ёритилаётган ҳуқуқий мавзудаги савол-жавоблар ҳаётда ҳам асқотиб қолиши мумкин ахир...

* * *

Галдаги суҳбатдошлар Самарқанддан анча олисда, Оқтов этакларидаги манзилда бизни кутишарди. Эргаш Жуманбулбулдек бахши шоирлар таваллуд топган юрт бизни-да ҳаяжонга солиши аниқ.

Музли довондан ўтиб манзилга ошиқамиз. Катта дара соя ташлаб турган манзилда замонавий мактаб биноси кўзга ташланади. Ҳар жиҳатдан кўркам ушбу ўқув даргоҳи ўзининг муҳташамлиги билан кўнгилда ғурур уйғотади. Қарийб эллик йил давомида элнинг болалари бир замонлар ҳашар йўли билан қурилган қиғир-қийшиқ бинода сабоқ олишди. Юрт истиқлоли эса шу олис қишлоқ аҳлига ҳам замонавий таълим даргоҳини ҳадя этди. Мактаб раҳбари Шерали Шакаровнинг эътироф этишича, ўқувчилардаги интилиш жуда кучли. Фанларни ўзлаштиришда ижобий силжишлар бор.

— Мактабимизда ажойиб боғ яратилган. Унда пишиб етилган мевалардан ўқувчи ва ўқитувчилар учун дармондорилар тайёрлаймиз, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Ҳамидулла Ҳасанов. — Яқинда мактаб ўқитувчилари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан тақдирланди. Гарчанд, марказдан анча олисда бўлсак-да, мамлакатимизда чоп этиладиган матбуот нашрлари вақтида етиб келаётир. Кундалик ҳаётимизни газетасиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис касаба уюшмалари нашри «Ishonch»га биринчилардан бўлиб ёзилганмиз.

* * *

Вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳам кўп йилдан буён таҳририят билан ижодий ҳамкорлик қилиб келади. Корхона касабақўм раиси Раҳмат Зулпонов шоир сифат киши эмасми, бу ердаги оммавий газетхонликка бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

— Тизимдаги барча корхоналаримизда цех касаба уюшма ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Раҳмат Зулпонов. — Касаба уюшмалари нашри «Ishonch» саҳифалари орқали тизимдаги янгиликларни амалиётга жорий этиб борамиз. Ўзгаларнинг тажрибаси бизга қўлланмадай гап. Бу йил ҳам биринчи галда ўз нашримизга ёзилдик.

Самарқандлик муштарийларимиз орасида қанча юрсак оздек туюлаверди. Улар билдирган таклифлар билан ён дафтарчамизни тўлдириб олдик. Газетхонларнинг қимматли фикрлари нашрларнинг савиясини юксалтириш, янада ўқимишли қилишда дастурламал бўлиши, шубҳасиз.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 13 декабр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 29.10.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 21.11.2013 йилдаги 307-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

ЛОТ №	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Жами Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4	5
1	Лазерный дальномет CANTION (гер)	дона	1	1 400 000
2	Лазерный дальномет CANTION (гер)	дона	1	1 400 000
3	Нивелир	дона	1	192 968
4	Лазерный дальномет CANTION (гер)	дона	1	1 400 000
5	Газогенератор КПГ-25	дона	1	1 800 000
6	Сварочный аппарат	дона	1	360 000
7	Свар оборуд ВДМ 6301	дона	1	9 430 000
8	Насос арт скважины	дона	1	750 000
9	Шкаф распред ШР-11	дона	1	795 600
10	Электрооборудование ИЭ-57071	дона	1	163 085
11	Пресс гидравлический ПГ-100	дона	1	1 480 884
12	Пресс ПСУ-50	дона	1	6 170 777
13	Пресс ПСУ-10	дона	1	4 885 198
14	Вибрастанок	дона	1	1 090 905
15	Разрывной станок	дона	1	587 693
16	Заклепочник поворотный	дона	1	56 000
17	Емкость металл	дона	1	750 000
18	Банка под цемент	дона	1	13 110 522
19	Банка под цемент	дона	1	13 110 522
20	Душ металлический	дона	1	1 050 000
21	Копир. CANON FC 206 пр-во Таиланд	дона	1	120 000
22	Пылесос	дона	1	310 800
23	Автомагнитола	дона	1	25 000
24	Телефон кнопочный	дона	1	22 500
25	Телефон без диска	дона	1	6 000
26	Телефон (PANACONIK) пр-во Малазия	дона	1	22 500
27	Телефон (PANACONIK) пр-во Малазия	дона	1	22 500
28	Кресло VERONA	дона	1	220 000
29	Сварочные аппарат 350 квт	дона	1	450 000
30	Сварочные аппарат 220 квт	дона	1	450 000
31	Отбойный молоток	дона	1	472 273
32	Бытовой вагон дом	дона	1	2 412 120
33	Бытовой вагон дом	дона	1	1 809 090
34	Шпалолежники	дона	16	8 227 703
35	Вибратор глубинный	дона	2	998 784
36	Вибронаконечник	дона	2	154 269
37	Трансформатор 1,5 ква	дона	2	300 000
38	Газонокосилка FL.33.TE	дона	1	660 000
39	Стол ZH 03	дона	1	191 400
40	Стол ZN 10	дона	1	286 800
41	Шкаф ZNG 01	дона	1	210 000
42	Стол приставка	дона	1	84 000
43	Сейф металлич	дона	1	292 000
44	Вешалка	дона	1	51 000
45	Копиров. Аппарат CANON NP 1215	дона	1	294 000
46	Компьютер	комп.	1	440 000
47	Компьютер Pentium 4	комп.	1	440 000
48	Компьютер Pentium 4	комп.	3	1 320 000
49	Монитор FSC LCD	дона	1	550 000
50	Мышь OP 620D	дона	1	12 000
51	Принтер Canon LBP 1120	дона	1	258 333
52	Компьютер	комп.	1	550 000
53	CANON 3010 LBP	дона	1	243 000
54	Принтер HP1215	дона	1	250 000
55	EPSON 6200L	дона	1	221 780
56	Принтер Canon 3010 B	дона	1	332 670
57	Тренажер	дона	1	3 750 000
58	Велосипед	дона	1	500 000
59	Теннисный стол	дона	1	775 828
60	Midia MSMI-12 HR кондиции.	дона	1	422 117
61	Счетчик газа АГАТ G25	дона	1	1 330 000
62	Портьеры (3,3х3,3)	дона	1	800 000
63	Портьеры (1,8х3,3)	дона	1	4 000 000
64	Портьеры (2,2х3,3)	дона	1	475 000
65	Портьеры (2,4х3,3)	дона	1	425 000
66	Портьеры (4,9х3,3)	дона	2	1 900 000
67	Кабель 4-х жильный алюминя. 4х35 мм	метр	100	850 000
68	Кабель медный 4-х жильный 4х40 мм	метр	6	150 000
69	Кабель 4-х жильный 4х4мм	метр	10	95 000
70	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	2	90 000
71	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	4	180 000
72	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	1	45 000
73	Электроавтоматы пр-во СССР	дона	1	45 000
74	Магнитопускатель	дона	6	330 000
75	Магнитопускатель	дона	1	100 000
76	Предохранитель	дона	4	40 000
77	Предохранитель	дона	13	234 000
78	Рубильник	дона	1	70 000
79	Винтеля	дона	2	24 000
80	Двигатель с редуктором	дона	2	799 800
81	Вибратор электрический	дона	1	61 708
82	Электродвигатель	дона	1	291 000
83	Электродвигетель	дона	5	1 098 000
84	Аккумулятор	дона	1	50 000
85	Стартер для МАЗа	дона	1	225 895
86	Гидроцелиндр подъемника ЗИЛа	дона	1	947 655
87	Стартеры для ЗИЛа	дона	2	309 273
88	Компрессор для ЗИЛа	дона	1	45 735
89	Корбюратор для ЗИЛа	дона	2	188 282
90	Гидроусилитель для ЗИЛа	дона	2	202 019
91	Тормозные цилиндры (камера)	дона	5	33 058
92	Шатуны	дона	3	103 140
93	Насос НШ-32	дона	1	40 992
94	Полуось для ЗИЛа	дона	2	290 320
95	Аммортизатор передний ЗИЛа	дона	1	74 931
96	Масляный фильто для ЗИЛа	вона	1	4 000
97	Ступица передние для ЗИЛа	дона	2	33 205
98	Ступицла задние для ЗИЛа	дона	1	16 602
99	Корданный вал для ЗИЛа	дона	2	313 123
100	Масляный радиатор для ЗИЛа	дона	1	73 462
101	Гильзы поршенные для ЗИЛа	дона	8	1 669 048
102	Генератор для ЗИЛа	дона	1	120 183
103	Тормозные трещетки для ЗИЛа	дона	7	308 539
104	Головка от блока для ЗИЛа	дона	1	587 693
105	метал.ящик для строи, материалов	дона	3	192 000
106	Прожектор	дона	1	643 226
107	Бочка MeTann.Stietter	дона	1	1 316 681
108	Форма метал, для цокольных блоков	дона	1	900 000
109	Эл.щит силовой	дона	1	468 000
110	Будка металл. (для строителей)	дона	1	450 000
111	Транспортерная лента	рул	2	2 507 050
112	Редуктор от БРУ	дона	1	317 297
113	Навес под виноградник	дона	1	2 700 000
114	Металлическая решетка дверь	дона	1	300 000
115	Будка металл.	дона	1	360 000
116	Шлифовальная машина ИЭ 2113	дона	1	430 407
117	Компрессор ПР-10/8М2	дона	1	1 028 076
118	Теплогенератор дизельный	дона	1	1 322 069
119	Известковая мельница	дона	1	77 364
120	1 Бетономешалка 0,5 м3	дона	1	60 962
121	Бетономешалка 0,25 м3	дона	1	35 990
122	Шкаф металлический	дона	1	40 000
123	Шкаф металл	дона	1	60 000
124	Бадья металл.	дона	1	266 507
125	Будка (самострой)	дона	1	150 000
126	Котки колеса для леса (самодельные)	дона	1	20 000
127	Сверильный станок	дона	1	376 790
128	Токарный станок	дона	1	600 000
129	Перфоратор BOSCH	дона	1	120 000
130	Перфоратор ХАМЕР	дона	1	120 000
131	Дрель	дона	1	25 500
132	Болгарка	дона	1	120 000
133	Кондиционер CHANC HONG 2шт	дона	1	750 000
134	Кондиционер ROISON	дона	1	840 000
135	Авто радио JH-4X1000W	дона	1	15 000
136	Радиотелефон LG -9140	дона	1	45 000
137	Радиотелефон (PANASONIC) модель KX-T9511BX пр-во Япония	дона	1	45 000

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунидан ташқари) 12.12.2013 йил соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати).

Тел.: 8 371 233-21-18, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 13 декабр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 29.10.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 21.11.2013 йилдаги 308-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 12 декабр куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати).

Лицензия RR 0170, тел.: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилоят филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 24 декабр куни соат 10:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси Фарғона вилояти Давлат Солиқ бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1996 й. и/ч «Нексия» русумли, д/р 40 764 LAA, бошланғич баҳоси 7 165 078 сўм; 1996 й. и/ч «Нексия» русумли, д/р 40 884 LAA, бошланғич баҳоси 7 468 193 сўм; 2006 й. и/ч «Матиз DLX 436» русумли, д/р 15 AK 060, бошланғич баҳоси 6 491 458 сўм; 2006 й. и/ч «Матиз DLX 434» русумли, д/р 15 AF 433, бошланғич баҳоси 6 663 928 сўм.

2013 йил 24 декабр куни соат 15:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 17-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси балансидаги 2002 й. и/ч «Газ-3102» русумли, д/р 40 095 AAA, бошланғич баҳоси 6 897 796 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 31 декабр, 2014 йил 7 ва 13 январ ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 10:00 ва 13:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 ва 13:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг «Савдогар» ОАТ банк Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, ИНН: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: — аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; — жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; — закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, Академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун тел: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2013 йил 26 декабр куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти хўжалик судининг 29.03.2013 йилдаги 20-1201/1115-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Бухоро том ёпгич ашёлари» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 20.11.2013 йилдаги 5-сонли йиғилиш баёнига ҳамда тугатиш бошқарувчисининг 21.11.2013 йилдаги 48-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси — 1 400 000 сўм бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 20 АС 422 бўлган УАЗ-31512 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2013 йил 26 декабр куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида «Бухоро нефт базаси» унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда: **1-ЛОТ.** 2002 йилда и/ч, давлат рақами 80/024 GAA бўлган ТИКО русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси — 2 750 000 сўм; **2-ЛОТ.** 2008 йилда и/ч, давлат рақами 80/199 HAA бўлган ЛАДА-21703-114-01 русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси — 5 700 000 сўм; **3-ЛОТ.** давлат рақами 80/207 HAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси — 3 400 000 сўм; **4-ЛОТ.** 1997 йилда и/ч, давлат рақами 52-96 БГ бўлган МТЗ-80ХА русумли трактори бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм;

Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунидан ташқари) 25.12.2013 йил соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Тел.: 8 365 221-59-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Қашқадарё вилояти автойўл ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг директор ўринбосари, Марказий кенгаш аъзоси Ортиқ Худойқуловга онаси

Нозикой ГАДОЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маъмурияти Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги **«Дака-Тех»** МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Россия хорижий корхонасининг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Матлюба Ирмуҳамедованинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ishonch
2013-yil 23-noyabr № 141-142 (3335)

Орамиздаги одамлар

Яхшилик ерда қолмайди

«Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг», «Бола тарбиясида отадан — уч улуш, онадан — етти улуш», «Отанинг яхшилиги — тоғдай юксак, онанинг муҳаббати денгиздай чуқур бўлади». Донишмандларнинг оилада ота-онанинг ўрни ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ бундай ҳикматли сўзларидан кўплаб мисол келтириш мумкин. Аслида ҳам, бола тарбиясида чуқур тафаккур, донолик талаб этилади. Баъзи ота-оналар кўпинча «тарбия» билан «маълумот» тушунчаларини алмаштириб қўядилар-да, фарзандларига бир неча нарсаларнинг номини ўргатиб, шу билан уларга тарбия бердик, деб ўйлайдилар. Кейинчалик эса... Яқингинада бир оила аъзолари бўлган — она, ўғил, қиз ва куёв ўртасидаги «жанг»нинг (бошқа изоҳ топа олмадим) гувоҳи бўлиб, қалбим ларзага келди. Воқеа тафсилоти қисқача шундай: она куёвини ўғирликда, куёв эса қайнонасини фарзандларини олиб қочганликда айблар, қиз ўзимни ўлдираман, деб маҳалла посбонига пўписа қилса, она сендай қизим йўқ, ўлсанг ҳам ачинмайман, деб эл-юрт ичида шармандалик ниқобини кийишдан уялмасди. Тўғри, гуручда ҳам курмак бўлади. Лекин, ўз оиласини одамлар ичида бунчалик шармандаи-шармисор қилишга ҳамма ҳам журъат қилолмаса керак. Бекорга ота-боболаримиз, уйдаги гап кўчага чиқиши керак эмас, дейишмаган-ку.

Бу воқеа анчагача, токи Паркент туманидаги Зокир Салимов маҳалласида яшайдиган мунис аёл билан учрашиб, у билан фарзанд тарбияси, оилада онанинг ўрни ҳақида дилдан суҳбат қурмагунимча хаёлимдан кетмай юрди.

87 ёшни қаршилаган Нафиса ая Толипова 1926 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1950 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг химия-биология факултетини битиргач, Паркент туманидаги Ҳамид Олимжон номли 1-мактабга ишга йўлланма олади. Нафиса шу ерда турмуш қуриб, 35 йил мактабда ёш авлодга дарс берди. Ҳозирда қарилик гаштини сураётган онахон ҳалиҳамон одамларга яхши сўз улашиб, тўғри йўлни кўрсатишда давом этмоқда.

— 4 қиз, 3 ўғлимиз бор. Қизларнинг барини ўқитдим. Ўғилларимни эса ҳунарли қилдим. Эл-юрт орасида ҳурматим бор. Чунки, умр бўйи одамларга маърифат улашдим. Оғзимдан бирор ёмон гап чиқмади. Турмуш ўртоғим Асом Жабборов ҳам тилла одам эди. Алгебра ва геометрия фанидан дарс берар, уни Паркент аҳли яхши танирди. Болаларимнинг отаси камгап, ювош ва тўғрисўз инсон бўлиб, кўпроқ тилни эмас, ақлини ишлатарди. 43 йил бирга яшаган бўлсак, бирор марта «сен-мен»га бормаганмиз. Раҳматлининг ўртоқлари «Нафисани нега сира уришмайсиз?» дейишса, «Мени оқ ювиб, оқ тарайдиган аёлни нега уришай, аксинча, уни жуда ҳурмат қиламан», дерди. Қайнукаларим ҳам мени янга деб эмас, опа деб чақиришарди. Меҳр-оқибат кучли эди. Турмуш ўртоғим 5 йил фронтда бўлиб қайтгач, кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлади. 1993 йилда вафот этди.

Яқинда собиқ ўқувчиларим 40 йиллик юбилейида ҳурмат қилиб таклиф қилишди. Хурсанд бўлиб иштирок этдим. Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмас экан. Ёшлигим қайтиб келса, сира ўйланмасдан яна ўқитувчилик касбини танлаган бўлардим.

Болаларим ҳамиша хизматимда. Тиллага тенг уч келиним бор. Невара-эвараларимнинг саноғи йўқ. Кўплигидан уларнинг исмини ёдимдан чиқариб қўяман. Ҳозир кенжа ўғлим билан тураман. Қизларим ва келинларимга ҳаммамизнинг ҳаваси келади. Уйга бирров келса, хизмат қиларди, лекин кўзга кўринмасди. Бундан меҳмонлар қандай тарбияли фарзандларингиз бор экан-а, деб ҳайрон қолишарди. Болаларимни саёқ юришга қўймас, доим дарс тайёрлаб, фойдали меҳнат билан банд қилишга уринардим. Бугун эса улар ҳурматимни жойига қўйишмоқда. Бунинг ҳаммаси ўз вақтида берилган тўғри тарбиянинг ҳосили деб ҳисоблайман. Ҳозир яхшигина нафақа оламан, шунга қарамай, улар доим пулингиз борми, қандай тансиқ овқат егингиз келяпти, деб сўрашади. Ота-она учун кексайганда фарзандларининг меҳридан ортиқ мукофот борми?!

Онахон пиёладаги чойдан ҳўплаб, сўзида давом этади:

— Чорсудаги 82-мактабнинг 7-синфини битираётганимда кимёни «сувдай ичар», ўқитувчим билан тенгма-тенг масала ечардим. Ўшанда устозим Зарифа опа «Сен ўқитувчи бўласан» деганди. Шу билан ўқишга кирдим. У пайтлар Паркентда олий маълумотли кам эди. Тумандаги раҳбарлар ҳам атиги 7-синфни битиришган эди. Ўқувчиларни илмга қизиқтириб, институтга жойлайвердим. Аста-секин олий маълумотлилар кўпайди.

— Кўп йиллар муаллимликда умр кечирдингиз. Кўпни кўрган инсон сифатида ҳаётда нимани кўпроқ қадрлайсиз? — сўраймиз онахондан.

— Нонни ардоқлайман. Урушни ёмон кўраман. У даврларни бошқа ҳеч ким кўрмасин. Тўрт акам ҳам фронтда эди. Уларнинг 2-3 ёшлардаги фарзандлари қўлимизда қолган. Жуда оғир кунлар эди. У пайтлар шакар ўрнига лавлаги қайнатиб ер, нонни топиш ҳам мушкул эди. Мен холаларим билан ишлар, нон топсам, онамга илинардим, онам эса невараларига берарди. Ҳаётда кўп қийналдик. Мана энди роҳатда яшаяпман. Сабрда, меҳнатда, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп экан.

«Аёллар — инсониятнинг илк мураббийларидир», деганди инглиз шоири Оливер Голдсмит. Нафиса ая билан хайрлашар эканман, ушбу ҳикматнинг тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламан.

Н.БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

Биласизми?

«Wi-Fi миллат»

Дунёда шундай мамлакат борки, унинг бутун майдони бўйлаб бепул wi-fi ўрнатилган. Бу давлатнинг номи — Ниуэ. У Янги Зеландия ёнидаги худди шундай номланувчи оролда жойлашган. 2003 йилда бу давлат биринчи бўлиб «Wi-Fi миллат» деган номни олди.

Мамлакатнинг барча нуқтасида wi-fi га уланса бўлади ва бунинг учун провайдерлардан рўйхатдан ўтишнинг зарурати йўқ. Тизимга уланиш бепул. Шунингдек, Ниуэ ороли ёнидан ўз яхталарида сузиб кетаётган туристлар ҳам wi-fi мосламасига ўзларининг компютерлари орқали уланишлари мумкин. Бу имконият америкалик тадбиркор Уильям Семич шарофати билан юзага келган. Бунинг эвазига у Ниуэ давлат доменини (.nu) бошқариш ва домен номларини сотиш имкониятини қўлга киритди. Бу фаолият унга йилига 4 млн. доллар даромад келтиради.

Икки дақиқалик парвоз

Дунёдаги энг қисқа рейс — Оркнейм ороллари (Шотландия шимолида) орасидаги Вестрей ва Ота Вестрей парвози ҳисобланади.

Самолёт парвози 2 дақиқа давом этади. Учиш ва қўниш масофаси 2,5 километр. Турган жойингиздан самолётнинг парвозини кузатишингиз мумкин. Чунки парвоз яққол кўриниб туради.

Семириш хотирани сусайтиради

Инглиз олимлари семириш ақлий фаолиятнинг ривожланишига путур етказишини аниқлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, вазни оғир кишилар нафақат гипертония хасталиги билан оғрийди, балки бундай кишиларда бошқаларга нисбатан хотиранинг пасайиш жараёни анча тез кечади. Маълумотларга қараганда, оғир вазнли кишилар қонида меъёридан ортиқ холестерин моддаси бўлади. Бу эса уларнинг қон босими ошишига олиб келади. Семизлик қандли диабетга ҳам сабаб бўлади.

Қаҳванинг фойдаси

Токио университети олимларининг сўзларига кўра, қаҳва истеъмол қилиш компютер қаршисида кўп ўтирадиганларнинг кўзлари зарарланишини сезиларли даражада камайтирар экан.

Тадқиқотлар натижасида кўп вақт бир нуқтага тикилиб ўтириш кўзнинг мугуз ҳамда шиллиқ пардасини ювиш учун хизмат қилувчи ёш ажралиш жараёнини бузиши маълум бўлди. Қаҳва эса кўздан ёш чиқишини жадаллаштирар экан. Ҳар тонг бир пиёла қаҳва истеъмол қилиш нафақат инсон организмини тетиклаштиришга, балки фаол фикрлашга ҳам ёрдам беради.

Тарвуз гипертонияга даво

АҚШ олимлари тарвуз гипертония хасталигининг олдини олиш ва уни даволаш хусусиятига эга эканлигини исботлашди.

Ушбу полиз экини таркибидаги моддалар қон босимини меъёрда сақлаб турувчи айрим дори воситаларининг ўрнини босади. Шунингдек, тарвуз таркибидаги аргинин ва цитрулин инсон организмидаги қон босимини оширувчи моддаларнинг фаоллашиш жараёнини сусайтириши аниқланган.

Ўнг қулоқ — нутқни, чап қулоқ — мусиқани яхши эшитади

Инсоннинг чап ва ўнг бош мия ярим шарлари мутлақо бир хил эмас. Агарда товушлар ҳақида гапирилса, биз томондан эшитиб олинган маълумотларга миянинг чап ярим шари жавобгар ҳисобланади.

Ўнг ярим шар эса оҳанг турига жавоб беради. Чап ярим шар аналитик фикрлашга, айни пайтда ўнг ярим шар ижод ва ҳиссиётларга жавоб бериши олимлар томонидан аниқланган.

Шунингдек, қулоқ хужайралари товушни сезади, тебранишнинг кўпайиши натижасида улар кенгаяди ва қисқаради, ундан кейин мияга етиб борувчи нерв импулсига айланади. Айнан шу сабабли ўнг қулоқ бир маромли инсон нутқига ўхшаш товушларни яхшироқ сезади, чап қулоқ эса мусиқани афзал кўради.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЭРГАШЕВ тайёрлади

Спорт оламида

Велоспорт
КУМУШ ВА БРОНЗА

Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Руслан Каримов Хитойнинг Шанхай, Нанкин ва Фучжоу шаҳарларида уюштирилган кўп кунлик велопойгада муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақаларда юртимиз шарафини Владислав Искандаров мураббийлигида Вадим Шаехов, Владимир Тўйчиев, Глеб Горбачёв, Юсуп Арбеков ва Никита Абрамов ҳимоя қилди.

Пойга Tour of Taihu Lake, Tour of Nanjing ва Tour of Fuzhou каби уч босқичда кечди. Яна уч босқичга бўлинган Tour of Fuzhounинг биринчи босқичида кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби, Европа ва Осиё турлари совриндори Руслан Каримов бронза, учинчи босқичда эса кумуш медал саҳибига айланди.

Эндиликда терма жамоамиз аъзолари БААнинг Шаржа шаҳрида ўтказиладиган «Sharja tour» пойгаларига йўл олишади. Тимур Гумеров, Вадим Шаехов, Владимир Тўйчиев, Дмитрий Лозовой, Руслан Фёдоров ва Денис Шаймановга Алексей Смирнов мураббийлик қилади.

Алена САПАРОВА,
Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

Теннис
САБИНА ЯРИМ ФИНАЛДА

Сабина Шарипова Остона (Қозоғистон) шаҳрида ITF таснифига кирувчи халқаро турнирнинг ярим финал йўлланмасига эга чиқди.

Теннисчимиз чорак финалда россиялик рақиби Софья Салимовага ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6:3, 6:0. Сабина ярим финалда яна бир Россия вакиласи Иванна Карамалак билан баҳслашади. Карамалак чорак финалда қозоғистонлик Александра Гринчишинани 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган.

ИККИ ҒАЛАБА

Истеъдодли теннисчимиз Фаррух Дўстов Италиянинг Андрия шаҳрида ўтказилаётган «Челенжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда қаторасига иккинчи ғалабани қўлга киритиб, чорак финалга йўл олди.

Яккалик баҳсларининг биринчи босқичида италиялик Томас Фабианони 7:6, 6:2 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз иккинчи даврада литвалик Лауринас Григелисдан 7:5, 6:3 ҳисобида устун келди.

Ярим финал йўлланмаси учун вакилимиз Фрэнк Данцевич (Канада) билан тўқнашади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

I. Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси қуйидаги иншоотга танлов савдосини эълон қилади.

Т\р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм	Бажариш муддати
Лот-5\1	Косонсой туман, «Ширин» ҚФЙ, «Такаранг» МФЙдаги Нам. МТИ қошидаги 2-сонли академик лицей учун 75 ўринли ётоқхона қуриш	886 988 293	739 156 911	240 кун
Лот-5\2	Уйчи туман, Ёркатай қишлоғидаги 21-сонли мактаб учун қурилиши тугалланмаган 140 ўринли ўқув биноси ва ёрдамчи хоналари билан 12х24м ўлчамли спорт зал қуриш	955 723 852	796 436 543	210 кун
Лот-5\3	Учқўрғон туман, «Қўғай» ҚФЙ, «Учкўприк» МФЙда 29-сонли мактабга 120 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан 435 ўқувчи ўринга мукаммал қайта қуриш	672 341 473	560 284 561	180 кун
Лот-6\1	Чуст туман, Чуст шаҳридаги Саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш	700 344 588	583 620 490	180 кун
Лот-6\2	Учқўрғон туман, Учқўрғон шаҳридаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш	402 163 443	335 136 203	150 кун
Лот-6\3	Учқўрғон туман, «Қўғай» ҚФЙ, «Пахтачи» МФЙдаги 420 ўқувчи ўринли 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	553 364 598	461 137 165	150 кун
Лот-6\4	Мингбулоқ туман, Жомашўй шаҳридаги 7-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	1 293 637 407	1 078 031 173	210 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказиш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

5-6 лотларда танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

II. Подшоота-Чодак ирригация тизими бошқармаси қуйидаги иншоотга танлов савдосини эълон қилади.

1	Чортоқ туманидаги «Чортоқ сув омбори» сув чиқариш тунелидан сизиб чиқаётган сувни инъекция йўли билан тўхтатиш	309 217 096	257 680 913	120 кун

Буюртмачи: Наманган вилоят Косонсой шаҳри, М.Аъзам кўчаси, 72-уйда жойлашган, Подшоота-Чодак ирригация тизими бошқармаси. Тел: (8369) 227-67-68, факс: 227-65-34.

Лойиҳани молиялаштириш республика бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! Жорий таъмирлаш объектларида қатнашишга кичик бизнес субъектлари учун камида 35 фоиз квота белгиланган.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга Наманган шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй.

Тел\факс: (8-369) 227-94-30, 227-91-47 га мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 22-уй.

Изоҳ: Буюртмачининг бошланғич нархи ўзгариши мумкин.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 00.30
Topshirildi - 02.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 1111 | 13576 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5